


Юнусобод тумани  
Давлат хизматлари маркази  
томонидан 2023 йил «9» июн да  
000725-10 -сон реестр  
рақами билан  
**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

М.Ў.

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси”**  
акциядорлик жамияти  
Акциядорларнинг йиллик  
умумий йиғилишида  
**2023 йил 23 майдаги**  
**85 – сонли баён билан**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**



М.Ў.

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ”**  
**АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**  
**УСТАВИ**  
(янги тахрирда)

**ТОШКЕНТ – 2023 йил**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Биржа) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Биржа – олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида чет эл валютаси (хорижий валюта), давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этувчи юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

## **II. ФИРМА НОМИ ВА МАНЗИЛИ**

2. Биржанинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида (кирил алифбосида) “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти;

Ўзбек тилида (лотин алифбосида) “O’zbekiston respublika valyuta birjasi” aksiyadorlik jamiyati;

Инглиз тилида: Stock company “Uzbek Republican Currency Exchange”;

Рус тилида: Акционерное общество “Узбекская республиканская валютная биржа”.

3. Биржанинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида (кирил алифбосида): “ЎзРВБ” АЖ (ЎзРВБ);

Ўзбек тилида (лотин алифбосида): “O’zRVB” AJ (O’zRVB);

Инглиз тилида: SC “UzRCE” (UzRCE);

Рус тилида: АО “УзРВБ” (УзРВБ).

4. Биржанинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уй. Индекс: 100084.

5. Биржанинг электрон почта манзили: info@uzrvb.uz

## **III. ФАОЛИЯТНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУДДАТИ**

6. Биржа фаолиятининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1) биржа товарлари бозорини ташкил этилиши ва тартибга солинишини ҳамда талаб ва таклиф асосида биржа товарларининг нархларини ушбу бозорда шакллантирилишини таъминлаш;

2) Биржа ва унинг акциядорлари манфаатларида тижорат ташкилоти сифатида молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олиш;

3) барча савдо иштирокчилари учун биржа савдоларида иштирок этишда тенг шарт-шароитлар яратиш, нархлар шаклланишининг эркинлигини ва биржа савдоларининг ошкоралигини таъминлаш;

4) савдо иштирокчиларига самарали ва ишончли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Биржа инфратузилмасини ривожлантириш.

7. Биржа ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини (йўналишларини) амалга оширади:

1) биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этиш ва ўтказиш;

2) давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;

3) биржа битимлари бўйича миллий ва хорижий валюталарда клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш;

4) Марказий контрагент функцияларини амалга ошириш/бажариш;

5) биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириш, чет эл валютаси савдолари бўйича миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилаш;

6) биржа бозори индикаторларини шакллантириш ва уларни мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) Биржанинг расмий веб-сайтида жойлаштириш;

7) Биржа аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек намунавий шартномаларни ва тузилган битимларни расмийлаштириш учун ҳужжатларнинг стандарт шаклини ишлаб чиқиш;

8) Биржа аъзолари ходимларининг (трейдерларнинг) касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш мақсадида шарт-шароитлар яратиш;

9) биржа савдолари иштирокчиларини ҳар бир биржа савдосининг яқунлари тўғрисида тегишли ахборотлар билан таъминлаш, уларга зарур бўлган маслаҳат ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш;

10) биржа фаолиятига оид дастурий таъминотларни ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

11) қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириш.

8. Биржанинг фаолият муддати чекланмайди.

#### **IV. ЮРИДИК МАҚОМИ**

9. Биржа акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга.

10. Биржа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

11. Биржа давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

12. Биржа ўз номидан битимлар тузиши, мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

13. Биржа Ўзбекистон Республикасида ва бошқа давлатлар ҳудудида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

14. Биржа ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

15. Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Биржанинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Биржа акциядорларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

16. Биржа ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Биржа ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Биржада иш давлат тилида юритилади, шунингдек, давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўзбек ва рус тиллари Биржанинг расмий тиллари ҳисобланади.

17. Биржа:

котировкалаш, арбитраж, ва бошқа биржа комиссиялари ва қўмиталарини ташкил этишга;

агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга;

биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга ҳақли.

соф фойдадан захира фондиди ташкил этишга ва қонунчиликка мувофиқ бошқа фондларни шакллантиришга ҳақли.

Биржа қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Биржа:

биржа савдоларини ташкил этиши;

биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириши;

биржа савдолари ўтказиш жойи ҳамда вақти тўғрисида биржа аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиши;

тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун фондлар шакллантириши ва бошқа шарт-шароитлар яратиши;

биржа аъзоларининг ўзаро мажбуриятларини белгилашни, аниқлаштиришни ҳамда ҳисобга олишни (клиринг), шунингдек банкда очилган махсус ҳисобварақлар орқали улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши;

биржа ва биржа аъзолари пул маблағларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши;

мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) ўз расмий веб-сайтида биржа товарларининг котировкаларини (нархларини) жойлаштириши, шунингдек биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида хабардор қилиб бориши;

бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Биржанинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиши;

барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлаши керак.

Биржа ўз фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида:

ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;

ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Биржанинг расмий веб-сайти ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа манбаларда эълон қилинишини таъминлайди;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида Ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошкор этади;

Биржанинг расмий веб-сайтида Ижроия органи ва унинг фаолияти самарадорлиги баҳоси, акциядорлик капитали таркиби (20 фоиздан зиёд акцияга эга акциядорлари) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Биржа дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Биржани ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қилади;

акциядорлар талабига кўра имкон қадар қисқа муддат ичида акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (махфий ва тижорат сири бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотларни тақдим этади.

Биржанинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **V. УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ), УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

19. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Биржа акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Биржа устав фонди (устав капитали) 1 069 600 000 (бир миллиард олтмиш тўққиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўмга тенг бўлган, эгасининг номи ёзилган 1 069 600 (бир миллион олтмиш тўққиз минг олти юз) та оддий акциядан иборат.

Акциялар электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида хужжатсиз шаклда муомалага чиқарилади.

20. Биржанинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Кўшимча акциялар фақат Биржа уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Биржа томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Биржанинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда Биржа уставида кўрсатилган эълон қилинган оддий турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

21. Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш ва Биржа уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Биржа Кузатув кенгаши томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади.

Биржанинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

22. Биржанинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Биржа томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

23. Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни камайтириш ва Биржа уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади.

## VI. БИРЖА АКЦИЯЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРИ

24. Биржа акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

25. Биржа акциялари мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Биржа акциядори деб эътироф этилади.

26. Биржанинг оддий акцияси унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга (акциянинг эгасига) шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

27. Акциядорлар:

- 1) Биржа акциядорларининг реестрига киритилиш;
- 2) депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- 3) Биржа фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- 4) Биржа тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- 5) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Биржани бошқаришда иштирок этиш;
- 6) Биржанинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- 7) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- 8) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- 9) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- 10) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- 11) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- 12) ваколатли давлат органлари томонидан аниқ бир турдаги фаолият учун берилган тегишли лицензияси мавжуд бўлган ҳамда ушбу уставда ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган шартларни бажарган ҳолда биржа савдоларида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқларига эга.

Биржанинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзоллигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Биржа акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар Биржа овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан Биржанинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Биржа Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига ушбу кенгашнинг ва комиссиянинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзоллигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Биржада уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда унинг фаолиятини таъминлаш харажатлари Биржа маблағлари ҳисобидан қопланади.

Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Биржа бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

28. Акциядорлар қонунчиликка ва Биржа уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

## **VII. БИРЖА ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

30. Биржа акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул воситасида амалга оширилади.

Биржа ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказди.

Биржа томонидан қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига пропорционал (мутаносиб) равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

31. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонунчиликда белгиланган тартибда Марказий депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

32. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

33. Биржа томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

34. Акциялар учун тўлиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг улар акциядорга тақдим этилади.

35. Сотиб олинаётган акциялар учун тўлов тартиби ва муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

36. Биржа акциядорлари Биржанинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, уларнинг ҳар бирига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда олиш юзасидан имтиёзли ҳуқуққа эга.

37. Ўз акцияларини сотаётган Биржа акциядори акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда Биржа орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

38. Биржа бошқа акциядорларни акциядор ўз акцияларини сотиш нияти тўғрисида мазкур акциядор томонидан Биржа хабардор қилинган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилади.

39. Агар Биржанинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаса, Биржанинг акциядорлари сотаётган акцияларни олиш юзасидан Биржа имтиёзли ҳуқуққа эга.

40. Акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўттиз кунни ташкил қилади.

41. Агарда, Биржа акциядорлари ва Биржа сотувга қўйилган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланмасалар, акциялар Биржа ва унинг акциядорларига маълум қилинган нарх бўйича ва шартлар асосида учинчи шахсга сотилиши мумкин.

42. Белгиланган муддатда ҳақи тўланмаган акциялар Биржа тасарруфида бўлади.

43. Биржа ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Биржа устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Биржа Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

44. Биржа тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Биржа тасарруфига ўтган акциялар улар Биржа тасарруфига ўтган пайдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Биржанинг устав фонди (устав капитални)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

45. Биржа томонидан акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Биржа акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

46. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби Биржа уставига ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **VIII. БИРЖА АКЦИЯДОРЛАРИ РЕЕСТРИ**

47. Биржа акциядорлари акциядорларнинг реестрида қайд қилинадилар. Биржа акциядорларининг реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

48. Биржа акциядорларининг реестрини шакллантириш қонунчиликда белгиланган тартибда, Биржанинг ёки акциядорларнинг ёзма мурожаати асосида Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

## **IX. БИРЖА АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

49. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган тижорат банклари, шунингдек, бошқа юридик шахслар Биржа аъзолари бўлиши мумкин.

50. Биржа аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш Биржа Кузатув кенгашининг (Кузатув кенгаши) қарори билан амалга оширилади. Биржа аъзоларига қўйиладиган талаблар, Биржа аъзолигига қабул қилиш тартиби, биржа операцияларини бажариш учун рухсат бериш тартиби, биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек аъзоликни бекор қилиш учун асослар ““Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятига аъзолик тўғрисида”ти Низомга мувофиқ белгиланади.

51. Биржа аъзолигига қабул қилиш ваколатли давлат органлари томонидан аниқ бир турдаги фаолият учун берилган тегишли лицензия мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади.

52. Биржа аъзоларидан аъзолик бадаллари ундирилиши мумкин. Аъзолик бадаллари миллий валютада Кузатув кенгаши томонидан белгилаган миқдорда ва тартибда тўланади.

53. Биржа аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш;
- 2) биржа комиссиялари ва қўмиталари фаолиятида иштирок этиш;
- 3) биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- 4) биржа томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш;
- 5) ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида ахборот олиш.

54. Биржа аъзолари қонунчиликка ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

55. Биржа аъзоларининг мажбуриятлари:

1) Биржада ўз фаолиятини қонунчиликка ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;

2) ушбу устав ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларга риоя этиш;

3) Биржага ўзларининг биржа савдоларида иштирок этганлиги ҳамда биржа битимларини тузганлиги билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиши;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинадиган ахборотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.

56. Биржа аъзолари қонунчиликка ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

57. Биржа аъзолари биржа операцияларини:

ўзларининг номидан ва ўзларининг ҳисобидан;

ўзларининг номидан миқдорнинг топшириғи бўйича ва унинг ҳисобидан амалга оширишлари мумкин.

## **Х. БИРЖА БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

58. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор) Биржанинг бошқарув органларидир. Акциядорларининг умумий йиғилиши Биржанинг юқори бошқарув органидир.

59. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

60. Биржа акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериши ёки видеоконференц-алоқа режими орқали иштирок этиши мумкин.

Вакиллар доимий ёки муайян муддатга тайинланган бўлишлари мумкин.

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқи чекланади.

61. Акциядорларнинг вакиллари акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган тартибда ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган пайтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

62. Акциядорлар умумий йиғилиши (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши) ҳар йили ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг 10 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади. Зарурат бўлганда, Биржа Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларни қонунчиликда белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган ҳолда, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ушбу бандда белгиланган муддатгача ўтказиш мумкин. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Биржанинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Биржанинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Биржани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлардир.

63. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

64. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Биржанинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

65. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Биржа акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

66. Акциядорнинг талабига кўра Биржа акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Биржа акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

67. Биржа акциядорларининг реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонунчиликда белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

68. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Биржа Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади. Акциядорларга йиғилиш санаси, вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисидаги ёзма хабар у ўтказиладиган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай юборилади.

69. Акциядорлар йиғилиши унда эллик фоиздан кўпроқ овозга эга бўлган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

70. Акциядорлар йиғилишида овоз бериш "битта овоз берувчи акция - битта овоз" тариқасида ўтказилади.

71. Биржа акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- 1) Биржа уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш билан боғлиқ масалалар бундан мустасно) ёки Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- 2) Биржани қайта ташкил этиш;
- 3) Биржани тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 4) Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 5) Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 6) Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни камайтириш;
- 7) ўз акцияларини олиш;
- 8) Биржанинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- 9) Биржа тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- 10) Биржанинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Биржа фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Биржани ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;
- 11) Биржанинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- 12) Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Биржани бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Биржа Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- 13) Биржанинг бошқарув органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни ҳамда ички назорат, дивиденд сиёсати, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини ва ички назорат органлари (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг Кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини тасдиқлаш;
- 14) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 15) Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 16) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Биржа томонидан йирик битим ва Биржанинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 17) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 18) бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Биржа ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш учун мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 19) Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Биржанинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини муҳокама қилиш;
- 20) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 21) электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- 22) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

23) Ижроия органи, шунингдек, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, аудиторлик ташкилоти вакилларининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этишини таъминлаш;

24) Биржа мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонунчилик, Биржа устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этиш;

25) Биржа мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексига назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

26) Қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

72. Уставда кўрсатилган акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Биржанинг Кузатув Кенгаши ва Ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

73. Овозга қўйилган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Биржанинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

74. Уставнинг 71-банди 1), 2), 3), 5), 12), 16) - кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Биржа акциядорлари умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

75. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

76. Биржа акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Биржа акциядорлари эътиборига етказилади.

77. Биржа акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кун ичида икки нусхада тузилади.

78. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

1) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

2) Биржанинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

3) умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

4) умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби;

5) маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилади.

79. Биржа акциядорлари умумий йиғилиши баённомасининг ҳар иккала нусхаси умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

80. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзолангандан сўнг котиб йиғилиш ҳужжатлари қаторида акциядорларни қайд этиш рўйхати, муҳрланган овоз бериш бюллетенлари, санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш яқунлари бўйича баённома ва акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасини сақлаш учун Биржанинг архивига топширади.

## XI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

81. Кузатув кенгаши Биржа фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва у “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади, унинг таркибига акциядорларнинг вакиллари сайланадилар.

Кузатув кенгаши таркибига учдан икки қисмидан иборат мустақил аъзолар киритилиши мумкин.

82. Биржа Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланадилар ва уларнинг қайта сайланиши чекланмайди.

83. Биржа Кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби етти кишини ташкил этади.

84. Биржа Кузатув кенгаши раиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

85. Биржанинг Кузатув кенгаши, ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

86. Биржа Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

87. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Биржа Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

88. Биржа Кузатув кенгашининг мажлислари унинг раиси ташаббусига кўра, Биржа Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, Ижроия органининг ҳамда Биржанинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади. Биржа Кузатув кенгаши аъзоларининг камида етмиш беш фоизи йиғилишда иштирок этиши қарор қабул қилиш учун етарли ҳисобланади. Биржа Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлган ҳолда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи бўлади.

89. Биржа Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Биржа Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

90. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- 2) мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- 3) мажлиснинг кун тартиби;
- 4) овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- 5) қабул қилинган қарорлар.

91. Биржа Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгардир.

92. Биржа Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Биржа Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Биржа Кузатув кенгаши мажлиси видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

93. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- 1) Биржани ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Биржа фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) Биржа акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- 3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Биржа акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Биржа уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш билан боғлиқ масалалар бундан мустасно) ёки Биржанинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 7) Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) Биржанинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 9) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 10) Биржа Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Биржа Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- 11) Аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 12) Биржанинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 13) Биржанинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 14) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 15) Биржанинг фондларини шакллантириш ҳамда захира фонди ва бошқа фондлардан фойдаланиш. Тузилган фондларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш;
- 16) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Биржа соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Биржанинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 17) Биржанинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;
- 18) Биржанинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Биржа уставига Биржанинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Биржанинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 19) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- 20) Биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш;
- 21) Кузатув кенгаши таркибида унинг аъзоларидан аудит бўйича кўмита, тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича кўмита ва бошқа кўмиталар, зарурат бўлганда эса, Кузатув кенгаши аъзолари, Ижроия органи, Биржа ходимлари ва жалб этилган

экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳавий олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари), доимий ва муваққат комиссиялар ташкил этиш;

22) аъзолик бадалларининг ва Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини, воситачилик мукофоти ҳамда уларни ундириш тартибини белгилаш;

23) биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;

24) Биржа тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

25) Биржа савдолари қоидаларини, ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни ва Биржа фаолиятини тартибга солувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

26) Биржа томонидан жойлаштирилган ўз акцияларини белгиланган тартибда кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш;

27) биржа фаолияти устидан ва Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;

28) Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш бўйича қарор қабул қилиш;

29) Биржада ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

30) Биржанинг йиллик молиявий ҳисоботларини Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

31) Биржа мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишига рухсат бериш;

32) Биржа фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этиш;

33) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда қонунчиликда белгиланган доирада бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этиш;

34) Биржанинг Ижроия органи раҳбари лавозимига танловни ташкиллаштириш, танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгица фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилган раҳбар лавозимларга танловлар регламентини тасдиқлаш;

35) Ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

36) Биржанинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш;

37) Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

38) Ижроия органи, ички назорат органлари ва коллегиял органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Биржа ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

39) ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонунчилик, Биржа устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариш;

40) ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

41) ҳар чоракда Ижроия органи ва ички нозорат органларининг, шу жумладан Биржа томонидан амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.

94. Биржа Кузатув кенгашининг ваколат доирасига ушбу устав ва қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

95. Биржа Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар Биржа Ижроия органига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

96. Биржа Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгашида муайян бажарган вазифалари учун ҳақ ва (ёки) тўловлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

97. Биржа Кузатув кенгаши аъзолари орасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан ҳар бир Кузатув кенгаши аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

98. Биржа Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун ҳақ ва (ёки) тўловларнинг миқдорлари акциядорлар умумий йиғилишида белгиланади.

## **XII. ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

99. Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ҳаракат қилувчи яккабошчилик асосидаги Ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

Бош директорни тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

100. Биржа Бош директори:

1) Биржа Акциядорлари умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

2) Биржа номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Биржа номидан битимлар тузади;

3) Штатларни тасдиқлайди, Биржанинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

4) Ўз ваколатлари доирасида Биржанинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

5) Биржа аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишига рухсат беради ва уларнинг биржа савдоларида иштирок этаётган ходимларининг (трейдерларининг) касбий малакасини юқори савияда сақлашни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади;

6) Биржа аъзоларини биржа савдоларида иштирок этишдан вақтинча четлаштириш ва Кузатув кенгаши муҳокамасига Биржа аъзоларини аъзоликдан чиқариш масалаларини кўяди;

7) Агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади;

8) Биржа бизнес хатарлари ва Ижроия органи жавобгарлигини суғурталайди;

9) ўз малакасини, шунингдек, Биржа ходимларининг малакасини бевосита ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш орқали оширишни таъминлайди;

10) Кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Биржа устави ва ривожланиш режаси (бизнес-режа) томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўз ваколатига кирувчи масалаларни мустақил ҳал этади;

11) Қонунчиликка мувофиқ Биржа акциядорлари умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган, Биржанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

101. Кузатув кенгаши раиси томонидан Биржа номидан Бош директор билан уч йил муддатга шартнома имзоланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Бунда Бош директор лавозимига тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ тайинланиши мумкин эмас. Бош директор билан тузиладиган шартномада унинг Биржа фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Биржанинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилади.

102. Кузатув кенгаши Бош директор билан тузилган шартномани, агар шартнома шартлари бузилса, тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

### **ХШ. БИРЖАНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

103. Биржанинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Биржанинг тафтиш комиссияси тузилиши (тафтишчиси сайланиши) мумкин. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгаши аъзоси ҳамда Биржада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. Биржа тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ўзбекистон республика валюта биржасининг тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

104. Биржанинг Ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, эллик фоиздан зиёд улуши Биржага тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширишни, Биржанинг Ижроия органи ва таркибий бўлинмалари томонидан қонунчиликка, Биржа уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Биржани бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Биржанинг Ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Биржанинг Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

105. Биржанинг Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон республика валюта биржасининг Ички аудит хизмати тўғрисидаги” Низом ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

106. Биржа акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган аудиторлик ташкилоти Биржа билан тузилган шартномага мувофиқ, қонунчиликда белгиланган тартибда Биржанинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

#### **XIV. БИРЖАНИНГ МОЛ-МУЛКИ, ФОНДЛАРИ, ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

107. Биржанинг мол-мулки тўланган устав фонди (устав капитали), Биржа олган даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган, бошқа асосларга кўра Биржа сотиб олган ўзга мол-мулкдан иборатдир.

108. Биржанинг даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

1) биржа савдоларини ташкиллаштиришдан ундириладиган воситачилик мукофоти;

2) аъзолик бадаллари;

3) Биржа кўрсатадиган маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ;

4) Биржа томонидан ундириладиган жарималар;

5) бошқа тушумлар.

109. Биржа даромадидан барча фаолият турларини амалга ошириш, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш учун қилинадиган харажатлар қопланади. Қолган даромаддан солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилади.

110. Биржанинг соф фойдаси акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан Биржанинг захира фонди ва бошқа фондларини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар шаклида тақсимланади шунингдек, қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларда фойдаланилади.

111. Акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра соф фойданинг бир қисми улар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланиши мумкин. Биржа молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

112. Биржанинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

113. Дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Биржа Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

114. Дивидендларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Биржа акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

115. Дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

116. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

117. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик Биржанинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

118. Биржада унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Биржанинг захира фонди Биржа уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори захира фонди Биржа уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

119. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Биржанинг захира фонди Биржанинг зарарлари ўрнини қоплаш ва Биржанинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Биржанинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

## **XV. ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

120. Биржа учун молия йили қилиб 1 январдан 31 декабргача бўлган муддат белгиланади.

121. Биржа қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

122. Биржада бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Биржанинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Биржа фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонунчиликка мувофиқ Ижроия органи зиммасида бўлади.

123. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Биржанинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий (йиллик) ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Биржа ва унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

124. Биржанинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Биржа Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

## **XVI. БИРЖАНИНГ ХОДИМЛАРИ, МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ**

125. Биржанинг ходимлари штат жадвалига мувофиқ Бош директор томонидан ишга қабул қилинади.

126. Ходимларнинг Биржа билан меҳнат муносабатлари улар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари асосида тартибга солинади. Меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

127. Биржанинг ходимларига штат жадвали асосида ҳақ тўлаш тартиби белгиланади.

128. Биржанинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоӣ ҳимояланадилар.

## **XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

129. Юридик ва жисмоний шахслар билан вужудга келган низолар ўзаро келишиш йўли билан ҳал қилинади. Агар тарафлар келиша олмаган ҳолда, низолар суд тартибида ҳал этилади.

130. Биржа фаолияти соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **XVIII. БИРЖАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

131. Биржани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **XIX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

132. Мазкур устав қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**БОШ ДИРЕКТОР**



**Р.Р. УСМАНОВ**



## Маълумотларни ўзгартириш ҳақида маълумотнома

### Ўзгартиришдан олдин

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)  
201 053 750

Номи  
O`ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI

Ташкилий-ҳуқуқий шакли  
Акциядорлик жамияти

Жойлашган жойи (манзили)  
Toshkent shahri, Юнусобод тумани, Sh.Rashidov shoh  
ko'chasi, 4-uy

### Ўзгартиришдан кейин

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)  
201 053 750

Номи  
O`ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI

Ташкилий-ҳуқуқий шакли  
Акциядорлик жамияти

Жойлашган жойи (манзили)  
Toshkent shahri, Юнусобод тумани, Sh.Rashidov shoh  
ko'chasi, 4-uy


09.06.2023

2188957

Гувоҳнома олинган сана

Ариза рақами

1011495





## Маълумотларни ўзгартириш ҳақида маълумотнома

### Ўзгаришдан кейинги акциялар

Акция тўғрисида маълумот

**Оддий акциялар**

Акциялар сони: 1069600

Акция баҳоси: 1000 сўм

Устав фонди

1 069 600 000 сўм



09.06.2023

2188957

Гувоҳнома олинган сана

Ариза рақами

1011495



Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги



# ГУВОҲНОМА

Юридик шахс

**"O`ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахс - тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи

**"O`ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI" АЖ**

Юридик шахснинг қисқартирилган номи

**201 053 750**

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

Ташкил этиш (қайта ташкил этиш, бошқа рўйхатга олиш, ахборотни ўзгартириш)

**18.01.1994**

Сана

**000725-10**

Тасдиқланди

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Фаолият юритадиган манзил:

**TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, SH.RASHIDOV SHOH KO'CHASI, 4-UY**

Томонидан берилган:

**YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

1011496

